

Ким Аср намозини тарк қилса, амали беҳуда кетади | Ҳадис дарслари (275-дарс)

Image not found or type unknown



19:00 / 27.03.2024 3608

هُنَعُ هَلْ لَّا يَضَرَّ رَمْعِ نُبِ اِنَع
هَيْلَعُ هَلْ لَّا يَلَّصَّ يِبْن لَانَا
هَتَاتُفُ نَم : لَاقَ مَلَسَو
هَلْ هَارُتُ وَاْمَنَّ اَكْفُ رُصَعُ لَّا

دَقَفَ رِصْعًا لَعَالًا صَكَرَتْ نَم يِرَاخُ بُلًا هَاوَرٌ هَلَمَّ عَطِيبَح يِيَّ اسِّنَّاو

Абул Малийх розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Булутли кунда Бурайда розияллоху анху билан ғазотда бирга бўлдик. У киши:

«Аср намозини тезроқ ўқинглар, чунки Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким Аср намозини тарк қилса, амали беҳуда кетади», деганлар», деди».

Бухорий ва Насай ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Абул Малийх розияллоху анху билан яқиндан танишиб олайлик.

Абул Малийх куняси билан машҳур бўлган бу кишининг тўлиқ исмлари Омир ибн Усома ал-Ҳазмий бўлиб, тобеъинлардан эдилар.

Ҳадисларни оталаридан, Маъқал ибн Ясор, Нубайшата ал-Ҳузамий, Авф ибн Молик, Оиша онамиз, Ибн Аббос, Абу Иzza ал-Ҳузайи, Ибн Умар, Амр ибн Осс, Жобир, Анас, Абдуллоҳ ибн Утба, Абу Суфён ва бошқа саҳобалардан ривоят қиладилар. Бу кишидан Муҳаммад, Мубашшир, ўғиллари Абдурраҳмон ва бошқалар ривоят қилганлар.

Бу зот ҳижратнинг 98-санасида вафот этганлар.

Ҳадисда номлари келган Бурайда розияллоху анху машҳур саҳобийлардан бўлиб, тўлиқ исмлари Бурайда ибн ал-Ҳусойн ал-Асламийдир.

У киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан 164та ҳадис ривоят қилганлар. 62-ҳижрий санада Марвада ғозий ҳолларида вафот этганлар. Бурайда розияллоху анху Хуросонда энг охири вафот этган саҳобий

ҳисобланадилар. У кишининг қабрлари ҳозирги Туркманистон ҳудудида жойлашган.

Бурайда розияллоҳу анҳу булутли кунда Аср намозининг вақти чиқиб кетишидан қўрқиб, ғазотдаги шерикларига уни тезроқ ўқиб олишни тавсия этар эканлар, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган ушбу ҳадисини далил қилиб келтирибдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аср намозини тарк қилса, амали беҳуда кетади», деган эканлар.

Бу ҳам Аср намозининг аҳамияти улкан эканлигидан дарак беради.

Уламоларимиз Аср намозини тарк қилиш билан амал беҳуда (ҳабата) бўлиши ҳақида турли мулоҳазалар айтганлар.

«Ҳабата» сўзи аслида ёқмайдиган ўт-ўлан еб қўйиб, қорни шишган ҳайвонга нисбатан ишлатилади. Унинг еган нарсаси беҳуда кетади, фойда ўрнига зарар беради.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

«Ким иймонни инкор қилса, унинг амали ҳабата бўлади», дея марҳамат қилган. Шундан келиб чиққан умумий қоидага биноан, амални куфр ҳабата қилади. Бошқа нарса ҳабата қилмайди.

Мазкур уламоларнинг Аср намозини тарк қилиш амални ҳабата этиши ҳақидаги мулоҳазалари ҳам намозни тарк қилиш куфрми-йўқми эканлиги тўғрисидаги фикрларга боғлиқ.

«Намозни қасддан тарк қилса, кофир бўлади» деган уламолар бу ҳадисни «Аср намозини қасддан тарк қилса, амаллар ҳабата бўлади», деб шарҳлашган.

«Намозни қасдданми, ноқасдданми, умуман, тарк қилган одам кофир бўлади» деганлар ўз фатволарига мана шу ҳадисни ҳам далил қилиб келтирадилар.

«Намозни қасддан эмас, дангасалик қилиб тарк қилган одам кофир эмас, осий бўлади», деганлар ҳам «Бир намозни тарк қилиш ёмонлигини, лекин Аср намозини тарк қилиш ҳаммасидан ҳам ёмонлигини билдириш учун бу ҳадисда ўта шиддатли ибора келтирилган. Аслида фақат кофирликкина амалларни ҳабата қилади», дейдилар.

Нима бўлганда ҳам, ушбу ҳадисдан Аср намозини тарк қилиш жуда ҳам катта гуноҳ эканлиги билиниб турибди. Лекин бу – Аср намозини ўқиса бўлди, бошқа намозлар унчалик аҳамиятли эмас, дегани эмас. Ҳар бир намозни ўқимаслик, улкан гуноҳдир. Лекин Аср намозини ўқимаслик яна ҳам улканроқ гуноҳ.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.